



25

Экспериментальное обоснование эффективности применения биоматериала при операции синус-лифтинг

56

Современные методы диагностики герпеса полости рта у беременных

96

Методы визуализации в стадировании синоназального рака

Содержание

Content

Организация, эпидемиология и история

The organization, epidemiology and history

Камилов Х.П., Камалова М.К. Оценка уровня модели организационной стоматологической помощи детям дошкольного возраста	6
Хабиллов Б.Н., Акбаров А.Н., Зиядуллаева Н.С. Гематологические показатели экспериментального изучения хронической токсичности отечественного пастообразного композита	10
Юлдашев А.Ю., Юлдашева Н.А., Нугмонова У.Т., Эшбоев О.Х. Оптимизации репаративной регенерации костной ткани	12
Дадабаева М.У., Зиядуллаева Н.С., Мирхонимова М.Ф., Абдуллаев С.С. Оролбўйида жойлашган худудлардаги болалар ва катталарнинг стоматологик маданиятини ошириш	15

Kamilov H.P., Kamalova M.K. Assessment of the level of the model of organizational dental care for preschool children	6
Khabilov B.N., Akbarov A.N., Ziyadullaeva N.S. Hematological parameters of an experimental study of the chronic toxicity of a domestic paste-like composite	10
Yuldashev A.Yu., Yuldasheva N.A., Nugmonova U.T., Eshboyev O.Kh. Optimization of reparative bone regeneration	12
Dadabaeva M.U., Ziyadullaeva N.S., Mirkhoshimova M.F., Abdullaev S.S. Optimization of dental culture at schoolchildren and teachers residing prearal-region	15

Терапевтическая стоматология

Therapeutic dentistry

Ризаев Ж.А., Хасанова Л.Э., Фаттахов Р.А. Стоматологический статус лиц с синдромом эмоционального выгорания	19
Алимова Д.М., Бахрамова Ф.Н. Абдуллаева М.Р. Анализ микрофлоры полости рта в клиническом течении хронического рецидивирующего афтозного стоматита.....	22

Rizaev Zh.A., Khasanova L.E., Fattakhov R.A. Dental status of persons with burnout syndrome	19
Alimova D.M., Bakhranova F.N. Abdullaeva M.R. Analysis of the microflora of the oral cavity in the clinical course of chronic recurrent aphthous stomatitis	22

Хирургическая стоматология

Surgical dentistry

Хасанов А.И., Эргашев О.З. Экспериментальное обоснование эффективности применения биоматериала при операции си нус-лифтинг.....	25
Садыкова Х.К., Турсунов М.К., Худайбердиев К.Т., Бабохужаев А.С. Хирургическое лечение невралгии тройничного нерва методом радиочастотной ризотомии Гассерова узла	28

Khasanov A.I., Ergashev O.Z. Experimental substantiation of the effectiveness of the use of biomaterial in sinus lift surgery	25
Sadykova H.K., Tursunov M.K., Khudaiberdiev K.T., Babokhuzhaev A.S. Surgical treatment of trigeminal neuralgia with radiofrequency rhizotomy of the Gasser node	28

Ортопедическая стоматология

Orthopedic Dentistry

Убайдуллаев Х.А. Эффективности реабилитационного лечения дефектов челюстно-лицевой области	33
---	----

Ubaidullaev H.A. The effectiveness of rehabilitation treatment of maxillofacial defects	33
--	----

фекта костной ткани диафиза. Стереотипность мобилизации функционально-метаболической активности фагоцитирующих клеток крови и соединительной ткани позволяют рассмотреть динамику активности лизосомальных и мембранных ферментов, энергетического и окислительного метаболизма, процессов синтеза и секреции, миграции, пролиферации и дифференцировки.

АННОТАЦИЯ: Диафиз суяк тўқимасида нуқсонини репаратив тиклашда нейтрофиллар функционал ва метаболик фаоллигига физиологик эритма ва суксиназол инфузиясининг таъсири ўрганилди. Фагоцитик қон ҳужайралари ва бириктирувчи тўқима функционал ва метаболик фаоллигини мобилизация қилиш стереотипи бизга лизосомал ва мембрана ферментлари, динамик ва оксидланиш метаболизми, синтез ва секреция жараёнларининг динамикаси, кўчиб юриш, кўпайиш ва табақаланишни кўриб чиқишга имкон беради.

ABSTRACT: The effect of infusion of saline and succinasol on the functional and metabolic activity of neutrophils during reparative regeneration of a defect in bone tissue of the diaphysis was studied. The stereotype of mobilization of the functional and metabolic activity of phagocytic blood cells and connective tissue allows us to consider the dynamics of the activity of lysosomal and membrane enzymes, energy and oxidative metabolism, synthesis and secretion, migration, proliferation and differentiation.

<https://doi.org/10.34920/2091-5845-2020-04>
УДК: 616.31-008-053.5/.7(262.83)

ОРОЛБЎЙИДА ЖОЙЛАШГАН ХУДУДЛАРДАГИ БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРНИНГ СТОМАТОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ



Дадабаева М.У., Зиядуллаева Н.С.,
Мирхошимова М.Ф., Абдуллаев С.С.

Госпитал ортопедик стоматология кафедраси,
Тошкент давлат стоматология институти

Кириш. Оролбўйи ҳудудларда экологик ҳолат оғир эканлиги сир эмас, бироқ бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг, айниқса болалар ва ўсмирларнинг стоматологик саломатлик ҳолати ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганга ўхшайди. Бу фикримизни уларда стоматологик маданиятнинг жуда паст эканлиги ҳам бемалол исботлай олади. Аслини олганда эса, стоматологик маданият боланинг жуда мурғаклигидан ривожлантирилиб борилиши, мактаб ёшига етганда эса, ҳар бир бола бу маданиятни тўла ўзлаштириб олган бўлиши керак. Ана шунинг учун ўрта мактабларда ўқувчиларнинг стоматологик маданиятини шакллантириш учун муҳим ишларни амалга ошириш долзарб вазифага айланган. Бунинг учун аввало ўқувчиларга оғиз бўшлиғи, тиш функциялари, унинг умумий соғлиқ билан ўзаро жипслиги ҳақида умумий тушунчалар бериш, оғиз бўшлиғи парваришига оид кўргазмалар чиқишлар уюштириш лозим бўлади. Бу билан қуйидаги зиддиятларни ҳал қилиш имкони пайдо бўлади: жамият ривожига ҳар томонлама камолга етган соғлом одамнинг ўзига ҳос муҳим ўрни ва Оролбўйи аҳолисига мансуб ёш авлодининг стоматологик маданияти пастлиги ўртасида зиддият; умумтаълим мактаблари ўқувчиларда стоматологик маданиятни шакллантириш зарурати билан стоматологик маданиятни ривожлантириш жараёнига услубий ёрдам кўрсатилмаслиги ўртасидаги зиддият.

Тадқиқот мақсади – Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болалар ва ўсмирларнинг стоматологик маданиятини шакллантириш муаммоларининг ижтимоий – педагогик жиҳатларини яхшилаш.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Қорақалпоғистон Республикасидаги мактабларда таълим олаётган 1-5 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган анкета сўровномаси.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Охирги даврларда мамалакатимиз ва дунё илм – фани ва шу йўналиш амалиётида болаларнинг стоматологик маданиятини шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормокда. Стоматологик саломатлик борасидаги энг оғриқли жиҳат ўқувчилар ўртасида стоматологик касалликларнинг жуда кўп учраётгани ва олдинги ўринларга чиқиб олганнидир. Тадқиқотлар натижасида олинган статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, экологик муҳит айниқса, тиш кариесининг кўпайишига олиб келган. Эътибор беринг, сут

тишларининг (вақтинчалик) кариеси 6 ёшли болаларнинг 78% ида мавжуд, доимий тишларнинг кариоз емирилиши 12 ёшгача бўлган болаларнинг 70%ида қайд этилган. Бу кўрсаткичлар дунёнинг ривожланган давлатларида истиқомат қилувчи шу ёшдаги болаларга нисбатан қиёсланадиган бўлса, тахминан 2 баробар кўп эканлигини фаҳмлаш қийин эмас.

Бу кўрсаткич эса Орол бўйи минтақасида яшовчи болалар ўртасида стоматологик маданиятнинг анчайин паст эканлигини исботлайди. 2014-йилдан буён Оролбўйи ҳудудларида яшовчи болаларнинг стоматологик маданиятини шакллантириш мақсадида “Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган тиш касалликлари: тиш кариеси ва пародонт касалликларининг бирламчи олдини олиш давлат дастури” амалга оширила бошланган. Таъкидлаш жоиз, бунга ўхшаш давлат дастурлари барча ривожланган мамлакатларда мавжуд. Бу ўринда таъкидлаш жуда муҳим: фақатгина шифокорларнинг саъйи ҳаракатлари, интилишилари билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Таълим тизимини, таълим жараёнининг асосий иштирокчилари бўлган ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар бу масалага жиддий жалб қилинсаларгина самарали натижага эришиш мумкин. Фикримизга мисол тариқасида Америка соғлиқни сақлаш жамғармаси томонидан яратилган саломатликни мустаҳкамлаш мактаб дастурининг амалиёти жараёнини келтиришимиз мумкин. Шу дастур асосида мактаб ўқувчиларининг стоматологик маданиятини оширишга ҳамма бирдек жалб этилди, ўқув дастурлари киритилди ва натижада болалар ва ўсмирлар ўртасида оғиз бўшлиғи касалликлари кўрсаткичи кескин пасайди. Оролбўйи минтақасида ўқувчиларнинг саломатлик маданиятини шакллантириш учун биринчи навбатда гигиеник ва анатомик масалаларга эътибор қаратилиши, терапевтик, ортодонтик ва ортопедик масалаларга алоҳида урғу берилиши лозим. Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларининг психофизиологик ривожланиши онтогенези, муайян мактаб ёшидаги стоматологик муаммоларни ҳам ҳисобга олиш шарт.

Ҳозирда Оролбўйи минтақаси болалари ва ўсмирларининг стоматологик маданиятини ривожлантириш йўлида амал қилаётган мавжуд дастурларда тизимлилик, мураккаблик, узлуксизлик, давомийлик, кетма-кетлик принциплари, ўқувчиларнинг ёшга ҳос хусусиятлари ҳамда таълим мазмунини танлаш тамойиллари ҳисобга

олинмаган. Мактаб ўқувчиларнинг саломатлик маданиятини шакллантиришга оид қўлланмалар мавжудлиги, саломатлик дарслари ва тегишли таълим тадбирларининг ўтказилишига қарамай, нафақат саломатликка, балки инсоннинг келажаги ва шахсий ҳаётига таъсир кўрсатадиган айнан стоматологик муаммоларга жуда оз аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари, мавжуд таълим дастурлари асосан фақат оғиз бўшлиғининг тузилиши ва гигиенасига қаратилади. Натижада мактаб ўқувчиларининг бу борада олган билимлари юзаки ва узук - юлуқ бўлиб қолмоқда. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг стоматологик маданиятини шакллантиришни жуда ҳам исташади, бироқ уларга яхлит дастури ва ҳар томонлама услубий тавсиялар етишмайди. Бу эса айни даврда педагогик назария ва амалиётда мактаб ўқувчиларининг стоматологик маданиятини шакллантиришнинг мазмуни ва жараёнини услубий жиҳатдан ўрганиш масаласи долзарб эканлигини кўрсатади.

2019 йил октябр ва ноябр ойларида Оролбўйи минтақасидаги мактабларда таҳсил олаётган ўқувчилари орасида ўтказилган анкета сўровномасида 2-5-синфларнинг 340 нафар ўқувчиси иштирок етди. 340 ўқувчининг 99 фоизи бу саволларга тўла жавоб қайтарган. 96-98 фоизи эса алоҳида саволларга ҳам жавоб берган. Берилган саволларни таҳлил қилиш жараёни қуйидагича хулоса қилишга олиб келди: саволларга жавоб қайтарган ўқувчиларнинг деярли 94 фоизи, яъни 320 ўқувчи ўзини стоматологик жиҳатдан соғлом ҳисоблайди. Энг ажабланирлиси, ўқувчиларнинг ўндан бир қисмигина, яъни 34 нафаригина охириги йилда врач стоматолог хузурига бормаган. Деярли ярми - 169 нафари эса камида 1-2 марта стоматолог давосига мухтожлик сезган. 84 нафари (деярли 26%) эса 3-4 марта ёки ундан ҳам кўпроқ марта врач-стоматологга мурожаат этган. Ўқувчиларнинг фикрларига кўра ўрганиладиган бўлса, уларнинг 306 нафари (90%) ўзларининг стоматологик саломатликлари борасида етарлича қайғуради, 50 нафари (деярли 15%) ўзларининг стоматологик саломатликлари борасида тўлиқ қайғурмайди ва 7 нафари (2%) етарли даражада қайғурмайди, деб ҳисоблашади. Бизнинг назаримизда, анкета саволларини ўқиш жараёнида ўқувчилар анкета саволларини қай даражада тўлиқ тушуниб жавоб қайтарганликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ва бу борада биз ўқувчиларга саволларни ҳар томонлама тушунтириб беришга интилдик. Шу ўринда яна

бир мулоҳаза. Худди мана шунга ўхшаш тестлар ўтказиб туришнинг ўзи ҳам ўқувчиларда стоматологик маданиятни оширишга хизмат қилиши аниқ. Чунки, ўқувчи саволларни ўқир экан, бу борада ўйлайди. Саволлар моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қилади. Масалан, “Тиш соғлиғини сақлаш учун қандай шартлар энг муҳим ҳисобланади?” - деган саволга бошланғич синф ўқувчиларининг қайтарган жавобларига эътибор беринг: аввало яхши стоматолог – шифокорда даволаниш, у билан масалахатлашиш дея - 272 (80 %); оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларига амал қилиш дея - 238 (70 %); стоматологик саломатлигини асраш борасидаги билимларнинг мавжудлиги дея - 170 (50 %); яхши овқатланиш учун моддий воситаларнинг етарлилиги дея - 136 (40 %); яхши экологик шароитлардея - 119 (35%); жисмоний ва ақлий зўриқишларнинг бўлмаслиги дея - 70 (20 % дан сал зиёдрок) ўқувчи жавоб қайтаришган.

Тадқиқот асосида яна шу маълум бўлдики, ўқувчиларнинг ярмидан ҳам камроғи, яъни 140 нафари (42%) тишларини ювиш учун болаларга мўлжалланган тиш пасталарини ишлатишар экан. Қолганлари катталарнинг тиш ювиш воситаларидан фойдаланиши аниқланди. Болаларнинг фикрларига диққат қаратиладиган бўлса, уларнинг аксарияти, яъни 238 нафари (70%) фақат мактабда, ўз ўқитувчиларидан стоматологик саломатлик ҳақида билиб олганлар. Ўқувчилар севиб тинглаган мавзулардан энг асосийси оғиз бўшлиғи гигиенасига оид маъруза бўлган. Бу мавзунинг энг ёққан мавзу, деб белгилаганлар сони 271 ўқувчига (79 %) етган. Улар севиб тинглаган мавзулардан иккинчиси оғиз бўшлиғи аъзоларини ўрганишга оид масала бўлиб, 255 нафар (75%) ўқувчи бу мавзуга ҳайрихоҳлик билдирган. Учинчи ўринни эгаллаган - стоматологик касалликларнинг олдини олиш воситаларини ўрганиш мавзусига 240 (70,58%) ўқувчи белги берган. Тўртинчи ўриндаги овқатланиш ва оғиз бўшлиғи саломатлиги мавзусини 232 (68,23 %) ўқувчи маъқуллаган.

Болалар мавзуларини диққат билан тинглаганликлари маълум бўлди. Бироқ, бу мавзуларни қай даражада ўзлаштириб олаолдилар? Маълум бўлишича, ўқувчилар томонидан энг яхши ўзлаштирилган мавзу - бу оғиз бўшлиғи гигиенаси билан боғлиқ мавзу бўлиб, биринчи ўринни эгаллади - 271 (79,70%) ўқувчи овоз берган; иккинчи ўринда оғиз бўшлиғи аъзоларини ўрганиш мавзуси бўлиб унга ҳайрихоҳлик билдирган ўқувчилар сони 236 (69,11%) ни ташкил этган.

Ўқувчиларга стоматологик маданиятни шакллантириш борасида таълим-тарбия беришга ўқитувчилар тайёрлар, бироқ, ҳамма ҳудудларда ҳам улар учун шароитлар яратилган, деб бўлмайди. Кузатувларимиз натижасида мактаблар ва тиббиёт муассасалар фаолиятининг мувофиқлаштирилмаганлигига, ўқитувчи ва стоматолог шифокорларининг бу борадаги ҳаракатлари бир изга тушолмаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, бу борада мактаб раҳбарларининг (мактаблар раҳбарларининг 70 фоизи деб айтиш мумкин) бир жиҳатдан тиббий маданиятни шакллантириш учун ўқитувчилар ҳам маънан тайёр бўлиши кераклигини, бироқ, ўқитувчилар бу борада услубий тайёр эмасликларини изоҳлашди. Раҳбарларнинг бу фикрлари эса ўқувчилар орасида тиббий маданият масаласига нисбатан ё бефарқ, ё расмий, ё жиддий қараш мавжуд эканлигини билдиради.

Болалар ва ўсмирларнинг стоматологик маданиятини ривожлантириш, тушунтириш ишларини олиб боришни ташкиллаштириш учун мактаб директорлари умттасил юзма-юз келадиган масалалар қуйидагича экан: айрим устозлар инновацион техникаларни, билим бериш услублари ва янги технологияларини дарс жараёнида қўллашни билмасликлари ёки улардан фойдаланишни рад этишлари, бу ҳусусда ҳамкасблар ўртасида тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиш анча мураккабликлар пайдо қилиши, услубий мураккаблар ва муаммоларнинг очик-ойдин намоён бўлишидир. Ўқувчиларнинг фикрларига кўра, устозларининг уларга тиббий маданият, айниқса стоматологик маданиятни атрофлича ва чуқур тушунтириб бера олмасликларига сабаб мактаб ва тиббиёт муассасалари ўртасида мулоқот йўлга қўйилмаганлигидадир. Ёки, бизнинг фикримизча, уларнинг хали мулоқотга тайёр эмаслигида ва улар тиббий маданиятни ўргатишда ўзаро жипслик зарурлигини, бу эса миллат ва мамлакат ривожини учун жуда ҳам муҳимлигини тушуниб ета олмаётганликларидадир. Акс ҳолда, улар биргалашиб, аллақачонлар ўқувчиларнинг стоматологик маданиятини шакллантириш бўйича биргаликда дастурлар ишлаб чиқишган, ўқувчилар учун мотивацияни оширадиган ғояларни яратишган, мактаб учун зарур услубий қўлланмаларни яратишган бўлишмасмиди? Бунинг учун эса ўқитувчининг ўзига ҳам мотивация керак бўлади. Раҳбар эса ўша мотивацияни яратиши зарур. Ахир ишининг натижаси кўпроқ ҳолларда болаларнинг

стоматологик билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг маълум даражаси ва кам даражада-тегишли мотивациянинг устуворлиги билан характерланади.

Тадқиқот натижаларини ўрганиб, таҳлил қилингандан сўнг шундай хулосага келинди, ўқитувчиларнинг 42,4% ида ўз шогирдларининг стоматологик маданиятини тўла шакллантириш бўйича кўрсатилган ҳаракатлар мавжуд. Ва бу ҳаракатлар раҳбариятнинг қатъий талаби ва мотивацияси, ҳамкасбларнинг ўзаро тажриба алмашиши, ўқувчилар ва ота-оналарнинг баҳолашида намоён бўлади. Лекин афсуски, ўқитувчиларнинг деярли ярми (48,4 %) кўникмалар даражасида ишлайди. Шогирдларининг стоматологик маданиятини пайдо қилиш ва ривожлантириш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш уларга малол келадиганга ўхшайди. Умуман олганда, ўқитувчилар ўрганилаётган фаолиятнинг умумлашган образига эга эмаслар.

Экспертларнинг маълум қилишича, ўқитувчиларнинг атиги 2,6%и бу борада ҳам ижодий ҳам ижобий даражага ета олган. Бундай позитив фикрлайдиган ва ўз шогирдларининг умумий тиббий ва стоматологик маданиятини яхлит ривожлантириш бўйича қуйинадиган устозлар ҳозирда нисбатан кам. Демак, бундай устозларни тарбиялашни олий даргоҳлардан бошлаш керакка ўхшайди. Тиббий- педагоглар тайёрлайдиган соҳа жиддий ислохотларга муҳтожлигини мана шу жиҳатдан ҳам билиб олиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида иштирок этган педагогларнинг 6,2% ида болаларнинг стоматологик билим, кўникма ва малакаларини пайдо қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилган билимлари қониқарсиз даражадаги фаолиятга эга эканликлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Одатда бундай устозлар ўз шогирдларининг стоматологик маданиятни қай даражада ўзлаштириб бораётганларига умуман эътибор бермайдилар ёки ўз фикрларини билдирмайдилар. Уларда ҳатто стоматологик билим ва кўникмаларни эгаллашга иштиёқ ҳам йўқ. Исташмайди ҳам. Шунинг учун ҳам, улар бу йўналишда бир жойда “айланиб”, “депсиниб” тураверишади.

Хулосалар. Ўтказилган тажрибалар, сўровлар мактаб ўқувчиларининг стоматологик маданиятини оширишнинг ижтимоий-педагогик муаммолари нимада эканлигини таҳлил қилиш имконини берди ва қуйидагича хулосалар берди.

1. Мактаб ўқувчиларининг стоматологик жиҳатдан заифлиги ва тиббий маданиятининг қониқарсиз ҳолати уларда стоматологик мадани-

ятни пайдо қилиш ва ривожлантиришнинг ўта муҳим эканлигини кўрсатади.

2. Мактаб болаларида тиббий саломатлик маданиятини шакллантириш учун ўқув дастурларига алоҳида эътибор бериш, асосан гигиеник, анатомик, терапевтик, ортодонтик ва ортопедик масалаларга жиддий ёндошиш зарурлигини таъкидлаш эҳтиёжидир.

3. Болалар ва ўсмирларнинг психофизиологик ривожланиши онтогенези ва ўрта мактабларда фаолият юритаётган педагоглар ҳамда тиш шифокорларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш керак. Улар бу масалани ҳал қилишда яқин хулосага келишлари ва мактаб ўқувчиларининг стоматологик маданиятини шакллантириш жараёнининг услубий тизимини мукамал излаш зарур.

Адабиётлар

1. Аврамова О.Г., Колесник А.Г. (2014). Эффективность реализации профилактического направления в системе школьной стоматологии // Стоматология.; 93(3), с. 53-56.

2. Шлегель Ю.В. (2013) Состояние и перспективы развития школьной стоматологии // Современные проблемы науки и образования, Выпуск № 5 / с. 3-5.

3. Западеева С.В. (2009) Возможности реализации профилактического направления в системе школьной стоматологии в современных условиях, с. 3-4.

4. Леонтьев В.К., Пахомов Г.Н. (2006) Профилактика стоматологических заболеваний. с.757-760.

5. Под ред. Леонтьева В.К. Кисельниковой Л.П (2017) Детская терапевтическая стоматология. Национальное руководство //Геотар Медиа; 937 с.

АННОТАЦИЯ: Қорақалпоғистон Республикасида кейинги ўн йилликлар ичида экологик муҳит мутлақо ўзгариб кетганлиги сир эмас. Бу аҳолининг турмуш тарзига, саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмай қолмаган. Шу сабабли ҳам бу ҳудудда тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича қайта ва қайта тадқиқотлар ўтказилиб турилади. Тадқиқотлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилади. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ҳукуматимизнинг, олимларимизнинг диққат марказида турибди, десак хато қилмаган бўламиз.

Албатта, экологик ҳолат болалар ва ўсмирларнинг стоматологик саломатлигига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Бироқ, бу муаммо ҳали

хамон чуқур ўрганилмаган, долзарблигича турибди. Айниқса, ўрта мактаб ўқувчиларининг умумсоматик ҳолати, стоматологик статусини тадқиқ қилиш жуда ҳам муҳим. Худди шунинг учун ушбу ишнинг объекти сифатида айнан шу ҳудуд танланди. Нафақат умумсоматик ҳолат, балки ҳозирда мавжуд ижтимоий шароит ва имкониятлар, ҳудудда мавжуд ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришнинг ўзига ҳос хусусиятлари, оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларнинг меъёрий жиҳатларини қиёслаш ва ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний шаклланиши ҳам ўзига ҳос аҳамиятга эга.

Калит сўз. Мактаб ўқувчилари, стоматология, кариес, кариес профилактикаси, доимийлик, атроф муҳит, салбий омиллар.

АННОТАЦИЯ: В результате предварительного изучения в предаральском регионе, в качестве данных по стоматологическому здоровью, объекта исследований стоматологического статуса у детей общесоматическому состоянию детского населения, был выбран именно данный регион. Так как недостаточно изучены научные исследования по комплексной гигиенической оценке полости рта влияния неблагоприятной экологии на окружающую среду и здоровье населения данного региона, что и определило актуальность планируемых исследований. Кроме сказанного имеют значение территориальные особенности среды обитания, такие как социальные условия, урбанизация, особенности промышленной специализации, тенденции изменения социального состава общества, показатели кариеса эмали, физическое развитие детей.

Ключевые слова: дети школьного возраста, стоматология, кафедра, кариес, распространенность, интенсивность, окружающая среда, негативные факторы

ABSTRACT: As a result of a preliminary study in the pre-Aral region, this region was selected as the data on dental health, an object for studying the dental status in children of the general somatic state of the child population. Since scientific studies on a comprehensive hygienic assessment of the oral cavity of the impact of an unfavorable ecology on the environment and the health of the population of a given region have not been sufficiently studied, which determined the relevance of the planned studies. In addition to the above. In addition to the above, territorial features of the environment, such as social conditions, urbanization, features of industrial specialization, trends in the social structure of society, enamel caries, and the physical development of children are important. In addition, the

territorial features of the environment, such as social conditions, urbanization, features of industrial specialization, trends in the social composition of the society, medical and demographic indicators, incidence, disability, physical development of children and adolescents, are important.

Key words: school children, genetically modified organisms, in food, questions, import, export in foods.

Терапевтическая стоматология

<https://doi.org/10.34920/2091-5845-2020-05>

УДК: 159.9:616.31

СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ СТАТУС ЛИЦ С СИНДРОМОМ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ВЫГОРАНИЯ



Ризаев Ж.А., Хасанова Л.Э., Фаттахов Р.А.

Ташкентский государственный
стоматологический институт.

Распространенности и причинам синдрома выгорания среди медицинских работников посвящено немало публикаций. Однако анализ литературы выявил, что исследования, направленные на изучение связи между синдромом выгорания и стоматологическим статусом, практически не ведутся. Между тем, синдром выгорания – это серьезная проблема нашего времени, которой более подвержены представители коммуникативных профессий.

На Всемирной ассамблее ВОЗ, проходившей 20-28 мая 2019 г. в Женеве, синдром выгорания был включен в МКБ-11 под кодом QD85 как «синдром, возникающий в результате хронического стресса на рабочем месте, с которым не удается справиться».

Общеизвестно, что здоровье полости рта тесно связано с её гигиеной. Различные факторы, как индивидуальные, так и окружающие оказывают влияние на гигиенические привычки. Со-